

Қашқадарё
вилояти

Ҳуқуқ

ФАРРОШНИНГ ҲАМ ҲИМОЯЧИСИ БОР

Ғузур туманидаги 28-ўрта умумий таълим мактабида ўзоқ йиллардан буён фаррошлик қилиб келган Назокат Бойматова пенсия ёшига етгани учун унга энг кам иш ҳақи миқдорига пенсия белгиланди. Иш берувчи эса унинг ишини ярим ставкага туширишга қарор қилди...

Бойматованинг оилавий шароити оғир, бутун рўзгор сарф-харажатлари унинг маоши ва пенсиясига қараб турарди. Аҳволи танг бўлган ходима касба уюшмасига мурожаат қилди. Вазиятни ўрганган Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Ғузур тумани кенгаши раиси Эшпарда Ниёзов мактаб директори номига тақдимнома киритди. Шундан кейин Бойматованинг иш ставкаси тўлиқликча қоладиган бўлди.

19-умумий ўрта таълим мактаби фарроши Айша Эшонқулова эса июнь ойидаги меҳнат таътили пули ҳамда июль ойи маошини ололмаётганини билдириб, туман кенгашидан ёрдам сўради. Касба уюшма аралашуви билан ходиманинг пуллари ундирилди.

Албатта, бу каби мисоллар кўп. Энг асосийси, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла ифода этилиб, уларнинг розилигига эришилмоқда.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»



Халқаро анжуман

КАСАБА УЮШМАЛАРИ УМУМКОНФЕДЕРАЦИЯСИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ

Шу йилнинг 29 ноябрь куни Москвадаги Меҳнат саройида Касба уюшмалари Умумконфедерацияси мажлиси бўлиб ўтди.

Мазкур мажлисда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси, Касба уюшмалари Умумконфедерацияси вице-президенти Қудратилла Рафиқов ҳам онлайн тарзда иштирок этди.

Йиғилишни Касба уюшмалари Умумконфедерацияси Бош котиби Андрей Бельянинов олиб борди.

Касба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси кенгаши ваколатига кирувчи бир қатор масалаларни олдиндан кўриб чиқди ҳамда уларни кенгашнинг навбатдаги йиғилишига киритишга қарор қилди.

Шундан сўнг «Энг кам иш ҳақи – яшаш минимумидан паст бўлмаган даражада» Касба уюшмалари Умумконфедерацияси бирдамлик кампаниясининг боши тўғрисидаги масала тасдиқланди.

Касба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси минтақанинг мустақил давлатлари касба уюшмалари 2022 йилдаги

кампанияни геосийёсий кескинликлар ҳамда иқтисодий ўзгаришлар трансформацион жараёнлар кучайган, инфляция сезиларли даражада ортиган бир шароитда амалга ошириш таъкидлади. Бундай шароитда ишчилар учун энг кам маош (энг кам иш ҳақи) катта аҳамиятга эга бўлиб, бутун иш ҳақи тизимининг ишлаши учун давлат кафолати бўлиб хизмат қилганини алоҳида эътибор этди.

Шунингдек, амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар натижасида минтақанинг аксарият давлатларида бирдамлик кампанияси мақсадларига эришилгани таъкидланди. Касба уюшмалари ўтган йиллардаги ижобий жараёнларни сақлаб қолишга, қайсидир соҳаларда сезиларли ютуқларга эришишга муваффақ бўлди.

Инфляция шароитида ишчилар учун энг кам маош (энг кам иш ҳақи) кўп ҳолларда оширилди, бир қатор давлатларда бу бир неча бор амалга оширилди.

Касба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси минтақа мамлакатларида энг кам иш ҳақи пастликча қолаётганини, уни тубдан ошириш муаммоси ҳал этилмаганини таъкидлади.

Касба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси «Энг кам иш ҳақи – яшаш минимумидан паст бўлмаган даражада» бирдамлик кампаниясини давом эттиришга қарор қилди.

Ижроия қўмита 2022 йилнинг 11 ойи давомида Касба уюшмалари Умумконфедерациясига аъзо ташкилотлардан бадаллар тушуми тўғрисидаги маълумотларни тинглади.

Касба уюшмалари Умумконфедерацияси Ижроия қўмитаси Молия комиссиясининг таркиби тасдиқланди.

Йиғилишда Ижроия қўмита ваколатига кирувчи бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

«Ishonch»га жавоб берадилар...

ХУСУСИЙ БОҒЧАГА ҲАМШИРА КЕРАК, ФАҚАТ...

«Ishonch» газетасининг 2022 йил 25 октябрдаги сонида «Хусусий боғчага ҳамшира керак эмасми?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унга Соғлиқни сақлаш вазирлиги куйидагича муносабат билдирди:

«Хусусий боғчага ҳамшира керак эмасми?» сарлавҳали мақола билан танишиб чиқдик. Биз мақолада келтирилган фикр-мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиламиз.

Мактабгача таълим муассасалари, хусусан, нодавлат мактабгача таълим муассасаларида ҳам болаларнинг саломатлиги учун маъсул шахслар фаолият юритиши лозимлиги ҳақидаги фикрларга ҳайрихоҳимиз.

Мактабгача таълим вазирлиги бу борада ташаббус кўрсатса, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз вако-

лати доирасида барча ишларни амалга оширишга тайёр.

Шу фурсатда ўрта тиббиёт ходимлари учун қўшимча иш ўринлари яратилиши билан бир қаторда, келажак ёш авлодларимиз саломатлиги ҳам ишончли қўлларга топширилиши таъминланади.

Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари


А.Иноятов



«Эс-жуш бўлмаса, мажлис қилинг...»

Ота ва ўғил суҳбати асосида ҳаётинг памфлет

4




Марк РИЗ: ҚОДИРИЙДАН БОШЛАБ БОЙ АДАБИЙ МЕРОСИНГИЗНИ ҒАРБГА ТАНИТЯПМИЗ

3

Фарғона
вилояти

Миннатдорлик

КАСАБА УЮШМАЛАРИГА РАҲМАТ!



Мен «Асакабанк» АЖнинг Фарғона филиалида 22 йилдан буён мутахассис бўлиб ишлаб келардим. Яқинда иш жараёнида меҳнатга оид ҳуқуқларим бузилди. Шундан сўнг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Кенгаш раисининг қўллаб-қувватлаши билан ўз соҳанинг мутахассислари менинг ишимни қонун доирасида кўриб чиқиб, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво ариза киритишди.

Суд менинг ишим бўйича иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги талаблари қўпол равишда бузилган деб топди. Натижада суд

иш берувчидан менинг фойдамга иш ҳақига қўшимча устама, банк тизимида ишлаган иш стажим учун қўшимча тўлов ҳамда маънавий зарар учун жами 129 млн. 876 минг сўм ундириб, бузилган ҳуқуқларимни тиклади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши мутасаддиларига ўз миннатдорлигимни билдираман. Фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида қонун доирасида кўриб чиқиб, адолат қарор топишида жонбозлик кўрсатаётган соҳа вакиллари ҳаммиша соғ-омон бўлишини!

Наргизахон ШОКИРОВА
Фарғона шахри

Тошкент
шаҳри

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш ҳақида гап кетганида, биз кўпинча берилаётган моддий ёрдамларга кўпроқ тўхталамиз. Аммо эътибор қилсак, бугунги кунда маҳалладаги эҳтиёжманд аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва маънавиятини ошириш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

МАЪНАВИЙ КЎМАК

Хусусан, улар музей ва зиёратгоҳларга саёҳатга олиб борилиб, театр ва турли тадбирларга таклиф этилмоқда. Яшнобод туманидаги «Аёллар дафтари»га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун Зангиота зиёратгоҳи ва Сузук ота мажмуасига саёҳат ҳам шу мақсадда ташкил этилди.

Онахонларнинг дуоси билан йўлга тушган автобус манзилга етунига қадар аёлларнинг одоб-ахлоқи, маънавиятига оид суҳбатлар ўтказилиб, куй-қўшиқлар янгради. Зиёратгоҳга боргач эса яхши ниятлар қилинди.

Шунингдек, туманда ишсиз хотин-қизлар учун меҳнат ярмаркалари ташкил этиш, уйда ётиб қолган, шифохоналарда даволанаётган аёллар, нуроний онахонлар ҳамда ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган ва оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларнинг ҳолидан хабар олиш, маиший муаммоларини ҳал этишга қўмаклашиш каби хайрли ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Сайёра ҚОДИРОВА,
Яшнобод тумани «Бешариқ» маҳалла
фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли



Фарғона вилояти

Анжуман

ЎЗГАРИШЛАР

билан танишдингизми?

Янги тахрирдаги Меҳнат кодексидagi асосий ўзгаришлардан бири шундаки, унга кўра асосан йиллик асосий меҳнат таътили давомийлигининг энг кам муддати йигирма бир календарь кунни этиб белгиланди ва халқаро стандартга мувофиқлаштирилди. Ҳолбуки, илгари йиллик асосий таътил муддати ўн беш иш кунини ташкил этар эди.

Яна бир муҳим жиҳат, янги тартибга асосан, агар дам олиш кунни ишланмайдиган байрам кунига тўғри келиб қолган тақдирда, у байрамдан кейинги иш кунига кўчирилади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган семинарда Меҳнат кодексига киритилган ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтган семинарда вилоят кенгаши аппарати ходимлари, тармоқ касба уюшмалари раҳбарлари ва ходимлари ҳамда тармоқ касба уюшмалари раҳбарлари иштирок этди.

Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев ҳамда раис ўринбосари Орзул Қозихонова янги тахрирдаги Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига, ундаги кўшимча имтиёз ва имкониятларга батафсил тўхталишди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда меҳнат муносабатларига нисбатан янгича ёндашувлар юзга келди. Шу жиҳатдан янги Меҳнат кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бу жараёнда 10 тадан ортиқ халқаро ташкилот, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари, 60 дан зиёд давлат тажрибаси ўрганилди.

Янги кодексда ходим ва иш берувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари жаҳон стандартларига тўлиқ мослаштирилган ҳолда белгиланган қайд этилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Навоий вилояти

Меҳнат инспектори аралашуви билан

12 миллиард сўмга яқин маблағ эгаларига қайтарилди...

Яқинда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти кенгашига «Навоий дори-дармон» акциядорлик жамиятининг Навбаҳор туманида жойлашган 3-дорихонаси ходимларидан бир гуруҳи мурожаат қилиб, тўланмай қолган меҳнат таътиллари учун бадал ундириш масаласида амалий ёрдам кўрсатишни сўрашди. Ариза Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқи инспектори Завриддин Ҳалимов томонидан атрофлича ўрганилгач, фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд уни қаноатлантириб, даъвогарлар фойдасига иш берувчи ҳисобидан жами 35 миллион 160 минг 596 сўмлик компенсация ҳамда 4 миллион сўм миқдоридagi маънавий зарар ундириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарди.

Худди шундай мурожаат Нурота тумани тиббиёт бирлашмасининг бир неча ходимларидан ҳам келиб тушган эди. Унга асосан меҳнат ҳуқуқ инспектори иш берувчига алоҳида тақдимома киритди ва шифокорларга вақтида берилмаган 11 миллиард 678 миллион 911 минг 26 сўмлик таътил пуллари тўлаб берилди.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»



Хоразм вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмасида Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат инспектори томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши ҳамда тармоқ келишуви ва жамоа шартномалари бандлари бажарилиши юзасидан ўрганиш ўтказилди.

Ўрганишда бирлашмада Соғлиқни сақлаш вазирилик ҳамда Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2019-2021 йилларга тузилган тармоқ келишуви ижроси тўла таъминланмаётгани аниқланди. Хусусан, тармоқ келишувининг 4.15-бандида соғлиқни сақлаш



Янгиариқда қонунчиликни бузган ким?


муассасаларида ходимларнинг навбатчилик вақтидаги кечки соат 18:00 дан 22:00 гача бўл-

ган давридаги иш вақти «кечки вақт» ёки «кечки смена» дея баҳоланиши ва бу вақтда ишнинг ҳар бир соати учун 1.25 баравар миқдорда ҳақ тўланиши белгиланган. 4.16-бандида эса юртимизда белгиланган байрам ва дам олиш кунларида ишлагани, навбатда тургани учун икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланиши лозимлиги қайд этилган. Бирлашма мутасаддилари томонидан ушбу талаблар бажарилмаган. Камчиликларни бартараф этиш мақсадида иш берувчига эзма кўрсатма киритилган. Аммо кўрсатма белгиланган муддатда бажарилмагани сабабли касба уюшмаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Богот туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Богот туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси маъмуриятига ходимларга 2020 йил 1 январдан бошлаб иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлаш мажбурияти оқлатилди. Суд қарорига асосан Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси 534 нафар ходимга 509 445 875 сўм қайта ҳисоб-китоб қилиб, тўлаб берилди.

Халиллулла ИСАҚЖАНОВ,
Расулбек АЛЛАБЕРГАНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича меҳнат инспекторлари

Рустам НАСИМОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши бош мутахассиси



Бухоро вилояти

МУДДАТИ ТУГАГАН ШАРТНОМА... АСЛИДА ЙЎҚ БЎЛИБ ЧИҚДИ

«...Ишга тиклаш масаласини кўя туринг, аризамни кўриб чиқиш учун судлар шунчалик сарсон-саргардон қилса, бошқа ҳақ-ҳуқуқларимни ҳимоя қилиш ҳақида гапиришим ўринли бўлармикан», дея куйиниб сўзлайди Шоира Мажидова Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашига қилган мурожаатида.

Маълум бўлишича, у 2005 йилдан 2021 йилгача Ғиждувон туманидаги 13-мактабгача таълим ташкилотига ишлаган. Бухоро вилояти мактабгача таълим бошқармаси – иш берувчининг 2021 йилдаги тегишли буйруғи билан унинг муддатли меҳнат шартномаси муддати тугагани боис бекор қилинган.

Иш берувчининг бу қароридан норози бўлган Ш.Мажидова судга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судига почта орқали даъво аризасини юборди. Бир ойдан кўпроқ вақт ўтса ҳамки суддан на бир қақирув ва на бир жавоб хати келади. Шу боис ўзи судга бориб, ариза тақдир билан қизиқади. Масъул ходимлардан бири унинг аризаси этиб келмаганини айтганидаёқ саргардонлик бошида

турганини дил-дилидан ҳис қилади.

Шундан сўнг Олий суд вакилларининг Бухоро вилоятида ўтказган сайёр қабулида қатнашиб, мурожаати кўриб чиқилмаётганидан арз қилади. Қабул чоғида вилоят суди раиси унга Ғиждувон тумани судига боришини айтади. Ходима тақдоран фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро судига мурожаат қилади. Суд даъвоини муддати ўтказилган деган ваз билан рад этади.

Жорий йил апелляция шикоят билан Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судига қилган қайта мурожаати суд муҳокамасида апелляция шикоят қаноатлантирилмай, қарор ўзгаришсиз қолдирилади. Боз устига, улар ходима почта орқали юборган даъво аризасининг этиб келмагани ҳақидаги



ёлғонни хаспўшлашга киришиб кетишади.

Ниҳоят, касба уюшмалари аралашуви билан Шоира опанинг иши судда қайта кўриб чиқилди. Иш берувчи уни муддатли меҳнат шартномаси муддати тугагани баҳонаси билан ишдан бўшатган бўлса-да, амалда бундай шартнома бўлмагани аниқланади. Иш берувчи шартномани судга тақдим эта олмайди. Шу ва шу сингари бир қатор сабаблар судда Ш.Мажидованинг фойдасига қарор қабул қилиниши таъминлади. Ш.Мажидова ишга қайта тикланди.

Ҳар бир ишнинг ўз вақтида ва ўз ўрнида бўлгани яхши. Судлар адолатни тиклашда мана шу тамойилга амал қилса, инсон манфаатлари устуворлигига ўз ҳиссасини қўшган бўлар эди.

Рустам НАСИМОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши бош мутахассиси



Самарқанд вилояти

Мушоҳада

Илгари асрлар давомида амалга ошган ўзгаришлар бугунги кунда бир йилга етар-етмасдан содир бўлмоқда. Тараққиёт шу даражада тезлашиб кетдики, қисқа вақт ичида жуда кўп нарсаларга улгурилмоқда. Бу кетишда яна 50 йилдан кейинги ҳолатни тасаввур қилиш қийин. Агар дунёвий ўзгаришларга қарайдиган бўлсак, бу тезликка ҳамма ета оладими ёки йўқми, бу ҳам жумбоқ.

Устозлар келажакка тайёрми?

Индаллосига кўчганда, биз ўтмишимиз буюк бўлган, келажакимиз ҳам буюк бўлади, деган широрлар билан ўзимизни овутиб яшаймиз. Ўтмишимизни инкор этишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Ҳақиқатда ҳам буюк бўлган. Аммо келажак-чи? Назаримизда анчайин суст одимлаётгандекмиз. Эришилган натижаларнинг аксарияти қисми хорижда яратилган технологиялар асосида амалга оширилмоқда. Оддий, аммо машаққатли меҳнат билан тўплаган юз бойлигимизга хориждан илм йўли билан яратилган битта нарсани сотиб оламиз. Биз учун нажот кўрғони фақат илм ва яна

фанни ўргатиш, уни ёдлатиш билан катта муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Болаларимизни фикрлашга, ўзгаришларга тавақкур кўзи билан қарашга, жараёнларни қиёсий жиҳатдан таҳлил қилишга ўргатиш лозим. Бунга ўқитувчилар тайёрми? Бу борада ечимини кутаётган муаммолар кўп.

Келажак бунёдкорлари бўлмиш ёшларни кимлар тарбиялайди, кимлар тайёрлайди? Албатта, ўқитувчилар. Шундай экан, ўқитувчиларга жуда катта эътибор қаратиш лозим. Жамиятда энг нуфузли касб ўқитувчилик касби бўлиши керак. Ўқитувчиларни замонавий талабларга жавоб бера оладиган даражада, яъни етук мутахассис-педагоглар қилиб тайёрлаш лозим.

Барча муваффақиятларимизнинг калити ҳисобланмиш ижодкор педагоглар тайёрлаш жараёнларини такомиллаштирмасак, жадал тараққиётдан орқада қолиб кетишимиз мумкин. Хуллас, келажак бунёдкорлари бўлмиш ўқитувчиларга эътиборни кучайтирмасак, тараққиёт пойғасида орқада қолиб кетишга ўзимиз шароит яратиб қўйган бўламиз.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд иқтисодий ва сервис институти профессори, иқтисод фанлари доктори

Тошкент шаҳри

«Тарихнинг номаълум саҳифалари» билан танишув

Жорий йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ташкил этилганига 20 йил тўлади.

Шу муносабат билан уюштирилган тадбирда Ватан истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб азиз жонларини фидо қилган, мустабид тузум даврида қатағон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини ўрганиш ҳамда тарғиб этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилгани эътироф этилди. Шу



йиллар мобайнида музейга бир миллионга яқин киши ташриф буюргани, музей илмий жамоасининг тадқиқотлари натижа-

сида 55 та монография, 35 та илмий мақолалар тўплами, 5 та ўқув қўлланмаси, 850 тадан зиёд илмий мақола чоп қилингани, музей томонидан 2009 йилдан буён нашр этилиб, жорий йилда 10-китоби дунё юзини кўрган «Тарихнинг номаълум саҳифалари» тўплами тилга олиб ўтилди.

Тадбирда ЎзФА бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Шерзод Жўраев музей ходимларини муҳим сана билан қутлаб, фаол ходимларга эсдалик совғалари топширди.

Тождиддин НАСРИДДИНОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи касба уюшма кўмитаси раиси



Тадбир



Қашқадарё вилояти

Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмасида ҳисобчилик қиладиган Хушвақт Неъматов сурункали хасталиқдан қийналди. Йиллар давомида ичган ва суртган дорилари кор қилмади. Охири жарроҳлик амалиёти ўтказишга рози бўлди. Бирлашма касба уюшма кўмитаси ходимнинг синовли куниди елка тўтди, моддий ёрдам ажратди.

Касаба уюшма кўмағида


ҚИЙИН ДАМДА ЕЛКАДОШ

Яна бир ходим Феруза Муродова ҳам сурункали касаллиқдан сўнг жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказди. Дори-дармон ҳарajatларидан қийналди. Терапия бўлими орастаси Дилфуза Алиқуллова даволаниш асносида оилавий шароитини кўрсатиб, моддий ёрдам сўради. Касабақўм раиси Рустам Узоқов ҳар иккала ходимнинг аризасини қаноатлантирди. Беморларга моддий кўмак ажратилди.

– Йил бошидан буён кўмитага 202 та мурожаат тушди, – деди Рустам Узоқов. – Шундан 43 нафар ходимга аризасига кўра моддий ёрдам берилди. 53 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланди. Даволаш профилактика муассасаларидаги вакилларимиз мунтазам равишда ходимларнинг муаммолари, саломатлиги, оилавий шароитини ўрганиб, касба уюшма афзалликларидан, мавжуд имтиёزلардан фойдаланишга кўмаклашмоқда.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Эксклюзив мактуб



Марк РИЗ:

Марк Риз – Вашингтон университетиде Марказий Осиёдаги туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили, жадидчилик ва ислом фикри бўйича таълим олган. У 23 йиллик умрини Марказий Осиёда «Тинчлик корпуси» кўнгиллиси бўлишга бағишлаган. Таржимон Термиз, Самарқанд ва Қўқон шаҳарларида болаларга инглиз тилидан дарс берган ва ўқитувчилар малакасини ошириш дастурида қатнашган. Айни пайтда АҚШнинг Теннеси штати Нашвил шаҳрида истиқомат қилади. М.Риз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини илк бор инглиз тилига таржима қилди. Таржимон билан электрон манзилда хабарлашиб, унинг юртимизда кечган беш йиллик ҳаёти, ўқитувчилик тажрибалари ва таассуротлари ҳақида сўрадик. Америкадан йўлланган эксклюзив мактубни этиборингизга ҳавола этяпмиз.

ҚОДИРИЙДАН БОШЛАБ БОЙ АДАБИЙ МЕРОСИНГИЗНИ ҒАРБГА ТАНИТЯПМИЗ

– Мен учун «Ўткан кунлар» асарининг даражасини баҳолаш мезони маданияти, тили ёки у яратилган тарихий даврдан қатъи назар, буюк ёзувчи ўз фикрларини бутун башариятга, ҳар биримизга етказиб бера олишидир. Шунинг учун ҳам бу жаҳон адабиёти дейилади. Абдулла Қодирий ва Марказий Осиёнинг бошқа кўплаб ижодкорлари асарлари шу кунгача дунё адабиёти дурдоналари рўйхатига кирмай келди. Қодирий ана шу маррани босиб ўта олди. Айтишим мумкинки, «Ўткан кунлар» жуда бой ва тугал роман бўлиб, унда Ғарб ўқувчиси учун янгилик бўлган турфа хил аъёнлар тасвири, атамалар ва тарихий давр ҳос ҳикоялар жуда кўп. Бу эса айни пайтда юз бераётган жараён – Ўзбекистонни дунёга яқиндан таништириш борасида ҳам катта аҳамиятга эга. Таржимон кимнингдир асарини олади-да, уни бошқа халқлар ўқувчилари тушунадиган тилда ифода қилади. Таржимон, бу қандайдир фан соҳаси эмас, балки муаллифнинг фикрини етказиб бериш санъатидир. Мен ўқувчиларимиз тушунишлари осонроқ бўлиши учун романдаги муҳим ҳолатлар бўйича 500 га яқин изоҳлар киритдим.

Энг катта ютуғим шуки, Қўқон ва Тошкентда бир неча йил умргузаронлик қилганман. Ана шундай аъёнлар ва муайян атамаларни тушуниришда қийинчиликка дуч келган пайтларимда кўпинча ўзбек дўстларимдан маслаҳат сўрадим ва улар менга ёрдам беришди. Аммо, шунга қайд этишни истардимки, романдаги баъзи ҳолатларни тўлиқ англаш етиш, ҳатто, ўзбеклар учун ҳам мушкул, унда кўтарилган масалалар юзасидан ҳамон баҳслар бўлади.

Қодирий буни жуда яхши тушунган, деб ўйлайман. У шедер даражасида асар ёзиш баробарида ўз даврининг муаммоларини очиб ташлаш мақсадини ҳам кўйган. Бироқ, таъкидлаш жоизки, бу ёруғ оламда барча инсонларнинг тақдирлари муштарак ва шу боис ҳам Қодирий ўз асари орқали бутун инсониятга мурожаат қилмоқда. Айни пайтда ўзимни ўйлантирган жуда қизиқарли савол ҳам бор. Менга бу роман Уильям Фолкнер ва Жеймс Жойс асарларини эслатади. Ҳар икки ижодкорнинг прозаси жуда бой ва бир ўқишда англаб етиш мураккаб. Бу уч муаллиф тахминан бир пайтда яшаб, янгича ғоялар силсиласида ижод қилган ва айни дамда, асарларида ўтмишга нигоҳ ташлаб, замонасининг қиёфаси билан таққослаганлар. Улар ўз давридаги янгиликлардан роҳатланган, шухратга кўмилганлар ва шу билан бирга, танқидлардан ҳайиқмаганлар. Биз асарни 2019 йил 11 апрель куни – Қодирий таваллудининг 125 йиллигига бағишлаб чоп этганмиз. Роман электрон китоб шаклида тақдим этилди.

Қодирийнинг дурдона асаридан сўнг ҳаёлимга биринчи бўлиб Ойбек қаламига мансуб «Навоий» романи келмоқда. «Мулоқот» де-

ган ном остида ўзбек асарларига қизиқувчи ёш таржимонларни тайёрлаш, янги-янги асарларни кашф этишга хизмат қилувчи расмий маданий дастур ҳам очдик. Бундан мақсад эса бой адабиётингизни ғарб ўқувчисига таништиришдир.

Ростини айтсам, бошида ҳам ўқувчилар, ҳам ўқитувчилардан бироз чўчиганман. Ўтган асарнинг 90-йиллари оғир даврлар эди. Бироқ ўзбекистонлик ўқувчилар тирیشқоқлиги, билимга чанқоқлиги билан менга ҳайратга солган. 2017 йил декабрда Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида ташкил этилган маросимда қатнашдим ва энди улғайиб 30 ёшларга кирган, турли университетларни тамомлаб, Ватани ривожини йўлида меҳнат қилаётган ана шу авлоднинг кўрдами. Турли дастурларни рўёбга қўйиб, директор, ҳуқуқшунос, шифокор, журналист бўлиб етишган бу ёшларни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди. Аммо ўқитувчиларингиз ҳақида гапирмасам бўлмас. Ўзбекистонда ишлаган давримда тажриба алмашиш икки томонлама бўлганди. Аслини олганда, ўзим ўргатганимдан кўра, улардан ўрганган жиҳатларим кўпроқ. Мен билан бирга ишлаган ўқитувчиларнинг барини ҳақиқий қарамон деб атаган бўлардим.

Ҳозирги кунда шахсан мен яшайдиган штатда ўқитувчиларнинг маошини ошириш юзасидан касаба уюмлари иштирокида мунозаралар бошланган. Бизда ўқитувчи яхши ойлик тўлаш, ишлайдиган талабаларнинг контракт пулидан кечиб, солиқ бўйича имтиёзлар бериш амалиёти мавжуд. Ҳамма штатларда бу имтиёзлар ҳар хил ва бутун мамлакат миқёсда бундай амалиётлар бериш масаласи энди кўтариб қилинмоқда. Мен жамият унинг аъзолари қай даражада маданиятга бўлган ёки ўзбекистонда бўлган кўплаб дўстларим ҳам айнан шу фикрни билдирадидилар. Ўзим Аризонада туғилганим ва жанубликларга хос чўрткесар характерга эгаман. Бошида ўзимни бундай тутишим маданиятли ва андишали халқнингиз билан мулоқотларимда баъзи нокулайликлар туғдирган. Ўзбеклардек аждодлар меросини асраб-авайлашга бўлган интилишни ҳамма халқларда ҳам кўрмайсиз. Яна биз бутун яшашга кунимиз ана шу мероснинг бир қисми эканини ҳам англаб етишимиз керак. Сиз бугунги қилаётган ишингиз билан келажак авлодларга шундай мерос қолдирасиз. Нима демократия, таомни, айниқса, нонни исроф қилмаслик тушунчаларини кашф қилдим. Инсон ҳаётида Худонинг ўрни нақадар муҳим эканини англаб етдим. Ҳайит байрамида Қўқондаги жамоат намозига қатнашганим жуда катта таассурот қолдирган. Афғон фожиасининг 125 йиллигига бағишлаб чоп этганмиз. Роман электрон китоб шаклида тақдим этилди.


Қўқондаги ҳаёт менинг тафаккуримни бутунлай ўзгартириб юборди. Мехмондўстлик, хушмуомалалик, таомни, айниқса, нонни исроф қилмаслик тушунчаларини кашф қилдим. Инсон ҳаётида Худонинг ўрни нақадар муҳим эканини англаб етдим. Ҳайит байрамида Қўқондаги жамоат намозига қатнашганим жуда катта таассурот қолдирган. Афғон фожиасининг 125 йиллигига бағишлаб чоп этганмиз. Роман электрон китоб шаклида тақдим этилди.

вақт ажратишга ҳаракат қиламан, аммо марҳум фарзандим касалликка йўлиққанда нақадар кучли ирода кўрсатгани ҳақида доимо эслаймаман. Бу хотиралар мени дунёдаги энг яхши ота бўлишга, унинг хотираси учун муносиб инсон сифатида яшашга чорлайди. Бу ҳозир мен киришган таржимонлик дастурини амалга оширишда ҳам кучли мотивациядир. Чунонки, романда Отабек Кумушни йўқотган вазиятда мен бу қайтариб бўлмас йўқотиш ҳиссини тўлиқ қалбимдан ўтказдим. Бу Абдулла Қодирий ўз асари орқали менга юзланаётгандек туюлган юзлаб лаҳзалардан бири эди. Майкл Кумушни ичида улғаймоқда. У ўқишдан уйга келгач, ўзим китоб ўқиб бераман. У китобларни севади, отасининг китоб ўқиганини кўриб, ўзида ҳам шу ишни қилиш истаги туғилади. Айтмоқчи бўлганим, фарзандингиз китоб ўқишини хоҳлайсизми, аввало, уларга ўзингиз намуна бўлишингиз шарт.

Менга «Сократ» методи кўпроқ маъқул келади. Ўқувчилар берилган материални ўрганиш ва мутуола қилиш билан машғул бўлади. Дарсини, одатда, 5 дақиқалик кириш маърузаси билан бошлайман ва мавзунинг энг муҳим маълумотларини тушутираман. Шундан сўнг улар жавоб бериши лозим бўлган бир қанча саволлар бераман. Бу методнинг моҳияти шундаки, ўқитувчи саҳнадаги доғишман образида эмас, четдаги йўналтирувчи сифатида гавдаланиши лозим. Қолаверса, ёзиш қобилиятини оширишга хизмат қилувчи машқлардан жуда фаол фойдаланаман.

Ўзбекистонда 5 йил яшадим ва бутун мамлакатни айланиб чиққанман. У ерни жуда севаман. Ўзбеклар билан мулоқотда бўлган ёки ўзбекистонда бўлган кўплаб дўстларим ҳам айнан шу фикрни билдирадидилар. Ўзим Аризонада туғилганим ва жанубликларга хос чўрткесар характерга эгаман. Бошида ўзимни бундай тутишим маданиятли ва андишали халқнингиз билан мулоқотларимда баъзи нокулайликлар туғдирган. Ўзбеклардек аждодлар меросини асраб-авайлашга бўлган интилишни ҳамма халқларда ҳам кўрмайсиз. Яна биз бутун яшашга кунимиз ана шу мероснинг бир қисми эканини ҳам англаб етишимиз керак. Сиз бугунги қилаётган ишингиз билан келажак авлодларга шундай мерос қолдирасиз. Нима демократия, таомни, айниқса, нонни исроф қилмаслик тушунчаларини кашф қилдим. Инсон ҳаётида Худонинг ўрни нақадар муҳим эканини англаб етдим. Ҳайит байрамида Қўқондаги жамоат намозига қатнашганим жуда катта таассурот қолдирган. Афғон фожиасининг 125 йиллигига бағишлаб чоп этганмиз. Роман электрон китоб шаклида тақдим этилди.

Шоира БОЙМУРОДОВА
ёзиб олди



Тунов кун Сергели йўналишидаги автобуслардан бирига ўтирдим. Бора-боргунча автобус ичидаги реклама мониторида ғашга тегадиган мусиқа садолари остида кийимни қандай тахлаш зарурлиги ўргатиб фойдаландим. Бу ролик ҳар уч дақиқада айланаверади.

Шунда бир нарса ёдимга тушди. Фашистлар кўплаб қийноқ усулларини ўйлаб топган. Масалан, «гап» олиш учун маҳбуснинг танҳо ўзини камерага қамаб, бир маромда янграйдиган мусиқани кўйиб қўйишар ёки сувни чақиллатиб томишишар экан. Аввалбошда ёқимли туюлган ҳар қандай товуш ҳам ҳадеб такрорланвергач, асабини эгловлай бошлар, одам руҳига таъсир кўрсатиб, уни ақдан озиш даражасига олиб бораркан. Фашистлар асирларни шу тарихқа азоблаб ва гаранг қилиб, «гап» олишар экан.

Автобусда битта мусиқанинг такрорланавериши ҳам ишдан чарчаб қайтаётганим боис асабини қақшатди. – Шунга ўчириб қўйсанигиз бўладими? – деб сўрадим охири ҳайдоқидан. – Йўқ! Учирасам, жазоланаман, – деди у. Ҳайрон бўлганимни сезиб, изоҳ берди. – Сиз бу шовқинга ярим соат ҳам чидай олмадингиз, мен эса кун бўйи автобусни бошқараман. Бир сафар симни узиб, реклама овозини ўчириб қўйганим, мени жаримага тортиб, уни пломбалаб кетишди. Ушандан буён қулоғимга наушник тақиб оладиган бўлганман.

Ҳа, ҳайдовчи йўлини топиди, фақат... Бу наушник сабабли у бир маромда такрорланаётган мусиқа каби бошқа сигналларни, айтилқиб, бирор ҳалокатнинг олдини олишга чорлайдиган овозларни ҳам эшитмаслиги тайин-ку! Аммо реклама мусиқаси кун бўйи тинимсиз такрорланиб, жигига тегса, бошқа нима ҳам қилсин?

Мониторда кийим тахлашдан ташқари юртимиз ҳақидаги айрим маълумотлар ҳам ўша мусиқа остида ёзиб кўрсатилади. Холбуки, йўловчилар автобусдан фойдаланишгани учун пул тўлашади. Демак, улар истеъмолчи саналади. Бундай ҳолатда асабини бузадиган қандайдир рекламани зўрлаб тиқитириш уларнинг истеъмолчилиги ҳуқуқини бузишга кирмайди? Қолаверса, бунақа рекламалар акс таъсир кўрсатиши ҳам мумкинлигини маъсۇллар билишмайдими? Масалан, телевизорда бир қизалоқ бақириб «велона» ширинлигини мақтарди. Шундай чинқирардики, овозини пастантасан ҳам, ғашга тегарди (*Албатта, бу қизанинг эмас, режиссернинг айби*). Шундан кейин мен «велона»ни умуман олмай қўйдим. Чунки уни кўрсам, уша чинқирқиб қулоғим остида жарангаётгандай бўлаверарди.

Шунга ўхшаш яна бир ҳолат. Минг-минглаб кузатувчиға эса машҳур, шунингдек, бошқа бир қатор телеграм каналлари ва сайтларда «Доктор Д» клиникаси врач «Ёрингизини... хушнуд қилай десангиз...» деб чиқиб келаверади. Бу қип-қизил шармандалик-ку! Уша каналнинг ўсири болалар ва ёшлар ҳам қузатишади. Биз-ку, энсамиз қотиб қўл силтаб, ўтказиб юборарини ҳам, лекин айни балоғат ёшига етган йигит-қизлар «Қани, кўрайлик-чи, ёринг кўнгли қандай хушнуд қилинар экан?» деб қизиқшмайди? Ундан ҳам ажабланишнинг, қайсидаир телеканалдаги бир сериалининг айрим қисмлари «Ёшлар ахлоқига таъсир қилапти» деб айоханнос солганлар орасида шу телеграм эгалари ҳам бор эди. Улар учун рекламалар келадиган фойда даражасида ахлосдан азизроқми?

Аслида ўша дорига муҳтож кишилар врачча боришса, ўзи тавсия қилверади. Шундай экан, нега назим муносабатлар

бу даражада ошқора равишда оммага намойиш қилиниши керак? Энг ачинарлиси, ўша дори рекламасини аёл киши, ҳа-ҳа, ўзбек аёли ҳам ўз каналлари орқали тарқатибди. Боз устига, айнан шу каналларга исломий ривоятлар, ҳадислар жойлаштирилганига нима дейсиз?

Баъзан ўйланиб қоламан: нега бу каналларда китоблар, масалан, «Фалон ёзувчининг жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга асари таржимона қилинди», «Фалончи ўзбек шоири ёки адабининг фалон китоби чоп этилди, сотиб олинг!» деб реклама қилинмайди? Чунки нашириётлар ва ёзувчи-шоирларнинг уларга реклама учун тўлайдиган ортиқча пули йўқ. Бу каналлар «Доктор Д» реклама қилган доридан олган даражада фойда кўришмайди. Аммо китобларнинг жамиятга фойда бериши, минг баробар ортиқроқ фойдаси бор. Улар, айниқса, болалар тафаккурини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қани, шу каналлар соҳиблари ростданам ватанпарвар ва жамиятпарвар бўлса, ўзлари наشريёт ё китоб дўконларига бориб, яхши бадий асарларни болаларимиз учун текинга реклама қилишсин-чи! Аслида китоб савдоси ва наشري билан шуғулланадиганларни ҳақиқий фойдодор дейиш мумкин. Чунки китоб тадбиркорлиги билан шуғулланган киши бойиб кетмас-да, элга илм-маърифат улашади.

Энди бояги доктор рекламасининг тескари таъсири ҳақида. У шундай бўлдики, мен ўша доктор роль ўйнаган кинони томоша қилмай қўйдим. Унинг юзини кўришим биланок «Э, кино ҳам расво бўлибди», дея бошқа каналга ўтаман.

Дарвоқе, телеканаллардаги рекламалар тўғрисида ҳам гапиравериб чарчадик. Бир соатлик кинони икки-икки ярим соатда кўриб тугатасиз. Чунки яримдан кўри реклама билан ўтади. Бу худди ош ёймак, деб чойхонага борсангиз, «Кечирасиз, ошга қўшиб мана бу қалампирни ҳам ейтишингиз шарт! Чунки қалампир ейтиштиратганлар бизнинг ҳошимизми», деган билан баробардир.

Тушунмиз, телеканаллар реклама хиёбатига кун кўришади. Лекин ҳамма нарса ҳам эви билан бўлиши керак-да. Рекламалар давлат тилида берилиши шарт, десак, инглизча ёки русча матнларни таржима қилишда қовун туширишади. Айтилқиб, «Мен очқорилди» деган гапни ўзбекчада «Биз очқордик!» деб ёзишади. Ахир таржима сўзма-сўз амалга оширилмаслигини, бу гап маъносидан келиб чиқиб, ўзбекчада «Биз иш бошладик» деб ёзилишини билмас экансиз, осмондан келиб русча ёзишингизга бало борми, дегинг келайди. Бу гўёки «Сени яхши кўраман (севаман маъносидан)» деган иборани «Я тебга хорошо вижу» деб таржима қилгандай гап.

Ёки ҳозир ҳамма хусусий телеканалларда кўрсатувлардан-да кўпроқ берилётган рекламалардан бирига эътибор беринг. Унда чолғу чалиб ўтирган йигитнинг олдиға ўртоғи келиб, «Ана шунга ўйнапанми?» деб сўрайди. Тўғри, рус тилида «чалмоқ» сўзи «играти» деб ифодаланган. «Гитара чалапанми» демоқчи бўлсангиз, «Играеш на гитаре» бўлади. Айни дамда «играти» – «ўйнамоқ» (футбол ўйнамоқ – играти в футбол) маъносини ҳам билдиради. Рекламада эса, чолғу чалаётган йигитга «Ана шунга чалапанми?» эмас, «Ана шунга ўйнапанми?» дейилмоқда. Демак, бу ўринда таржимага саводсизларча ёндашилган.

Бунақа далиллари истаганча кел-

тириш мумкин. Эҳтимол, кимгадир булар арзимас гапдай туюлар, лекин кўрсатаётгани аниқ. Бунақа ҳолатларнинг олдини олиш учун эса, менимча, барча реклама турлари, уларни узатишу намоийш қилиш субъектлари, барчасининг ҳуқуқлари ва ваколатлари хусусидаги қонунларни қайта кўриб чиқиш керак. Бундан ташқари, реклама шунчаки қайсидаир махсулот турининг тарғиботиғина эмас, мафкура воситаси ҳамдир! Масалан, юқорида келтирганимиз мисол – «Доктор Д»нинг аёл ва эркак ўртасидаги нозик муносабатларни тарғиб қилувчи дори воситаси рекламаси биз куюниб гапирётган миллий қадриятларимизга ва миллий ахлоқ меъёрларига зарба «оммавий маданият» таъсиридан қай даражада кам? Ёки мушкулларини «Кит-кат» билан озиклантираётган Ғарб «Бизда ҳатто мушкуллар мана шундай яшайди» деган ғояни жозибага айлантириб, ёшлар кўзини яшнатмаёптими?

Қайсидаир ичимликни тарғиб қилиш мақсадида йигит-қизларнинг жуфт-жуфт бўлиб сайр қилиши-чи? Бу ўринда фақатгина ўша шарбат эмас, балки уни қаерда ва қандай қабул қилиш ҳам тарғиб қилинмаёптими? Ёхуд фарзанд кўриш истагидаги ёшларнинг бошига кап-катта кишилар келиб, карнай-сурнай чалиши-ю, турли қилиқлар орқали «йўл»ини кўрсатишларини қандай тушуниш мумкин? Бу ерда рекламани «миллийлаштирмаган», деб миллатнинг устидан кулишмаёптими? Ахир бизда келин ҳомиладор бўлса, отаси, қайнотаси, умуман, катталарнинг кўзига кўринишга уялиб, кенг қўйлақлар кийишган. Бу ерда эса «макилар» қандай қилиб ҳомиладор бўлишни ўргатишяптими? Қуёв боланинг ғурури қаерда қолди?!

Айтaversак, гап кўп. Менга қолса, тарғибот ва реклама қилиш хусусиятига эга бўлган, яъни низомида шу вазифа ўз ифодасини топан ҳар қандай субъект, у телевидениеми-радиоми, кўчалардаги табло ёки панноларми, ижтимоий тармоқ сайтлари ёки телеграм каналларими – ҳаммасининг зиммасига миллат дунёқарашини юксалтиришга, жамиятнинг барқарорлаштиришга хизмат қиладиган ижтимоий роликлар яратишни ва мутахассислар кўригидан ўтказилгандан сўнггина намоийш этишни, шунингдек, ҳар бир реклама жамламалари орасида бирорта китобини текинга намоийш этиш вазифасини юклаган бўлардим. Чунки бу ҳар бир тадбиркорнинг жамият олдиғиди бурчи саналади. Уларнинг мақсади фақат иқтисодий фойда кўришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

Хулласи калом, мутасаддилар масаланинг мана шу жиҳатларига ҳам эътибор қаратишлари зарур, деб ҳисоблайман. Биринчи навбатда, реклама тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқиш керак. Шунингдек, чет эл махсулотлари рекламасининг мафкуравий-ғоявий хусусиятлари ҳам ўрганилиб, ушбу соҳага маъсул идоралар ижозат бергандан кейингина тақдим этилишини йўлга қўйиш зарур. Акс ҳолда, улар қайсидаир махсулот фонда зиддиятхоқий ғояларни тарғиб этиб, жамият ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бинобарин, биз мафкуравий хуружнинг ҳар қандай туридан хушёр бўлишимиз шарт!

Шахло АХРОРОВА,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD), республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, «Маърифат» тарғибот жамияти аъзоси

Эълон

«ГАРАНТ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Кун тартиби:

1. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
3. Бошқарув расиси билан тузилган шартнома муддатини узайтириш тўғрисида.
4. Банк ташқи аудитори тасдиқлаш ва уни хизмат ҳақининг энг юқори миқдорини белгилаш тўғрисида.

Йиғилиш 2022 йил 23 декабрь куни соат 11:30 да Тошкент шаҳри, С.Барака кўчаси, 78-уйда ўтказилади.

Умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2022 йил 19 декабрь куни ҳолатига тузилади.

Йиғилиш қатнашчилари 2022 йил 23 декабрь куни соат 10:45 дан 11:15 гача рўйхатга олинади.

Акциядорлар Умумий йиғилишига доир материаллар билан Тошкент шаҳри, С.Барака кўчаси, 78-уйда жойлашган «Гарант банк» АЖнинг Бош офисда танишишлари мумкин. Электрон почта манзили: info.garantbank@uz.

Акциядорлар ҳамда уларнинг вакилларидан йиғилишга шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончнома билан келишлари сўралади.

БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Маълумот учун телефонлар: 71-215-61-95

Билдирув

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Қоракалпоғистон Республикаси кенгаши расиси Гўлмурия Палуяниязовага онаси **Уммулгу КАЛБАЕВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия ихсоз этади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши расиси Сафарул Бердиевага падари Бузруквори **Қаррбий БЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардик ихсоз этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини таҳририяти жамоаси газеталарининг Наманган вилояти бўйича муҳбири Орузгул Рустамовага волидаи муҳтарамаси **Гўлсора РУСТАМОВА (Қувондиқова)**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



«Эс-хуш бўлмасам, мажлис қилинг...»

Ота ва ўғил суҳбати асосида ҳаётинг памфлет

Ярим тун. Ҳовли ўртасидаги сўрида Ота ёнбошлаб ўтирибди. Ўқтин-ўқтин соатига қараб қўяди: «Яна кеч қолди-я... Ҳар куни аҳвол шу... Тинчликмикан, ишқилиб?»

Кўзи уйқуга илинай деганда, дарвоза олдида машина келиб тўхтади.

Ота кўзини очди. «Хайрият, келди...».

Дарвоза очилиб, Ўғил ҳовлига кирди:

– Ассалому алайкум, дада! Нега ухламай ўтирибсиз?

– Ваалайкум ассалом, ўғлим... Яхши ишлаб келдингми?

– Ҳа, дада.

– Намунча кеч?

– Э, иш кўп.

– Биз ҳам ишлаганмиз. Аммо қош қораймай, уйга келардик.

– Дада, у замонлар бўлак эди! Ҳозир сал тинсангиз, орқада қола-сиз.

– Нимадан, ўғлим?

– Ҳаётдан!

– Ҳаёт шунақа илдамлаб кетганим?

– Ҳа, нимасини айтасиз?

– Ўғлим, давлат идораларида ишлаш осонмаслигини биламан.

Чунки мен ҳам ўша тизимда хизмат қилганман. Байрам ё бирор тадбир арафасида иш кўпайиб, кеч қолмасак, бошқа пайтлар...

– Айтяпман-ку, дада, у замонлар хў-ў-ў қачон эди!

– Қачон эди, ўғлим? Бир аср бўлди ё кўпроқми? Пенсияга чиққанга ҳеч қанча бўлмади. Шу мuddат ичида дунё ўзгариб кетди-да, а?

Ўғил гап тополмай, нигоҳлари ила ер чизди. Ота унга боқаркан, кўзлари киртайганини ним қоронғида ҳам сезди.

– Биз энди ишга кирган кезларда устозларимиз ҳар қандай топшириқни ўз вақтида бажаришга ўргатишган. Кечаси ишлайдиганларни дангасалар ё ишбилмаслар, дейишарди. Саккиз соат ичида кўп нарсага улгурардик. Сен эса, ҳар куни йигирма соатлаб оёқдасан. Нима қиласан ўзи кун бўйи?

– Дада, ҳозирги тизимни эски қолипдаги одамлар тушуниши қийин...

– Ҳўп, тушунтир-чи...

– Қаранг, эрталаб ишга боришимиз билан вилоят бошқармасидан қандайдир топшириқ оламиз. Унинг ижроси суратларда, альбомда жамланиши керак. Энди бажаришга киришганимизда, ҳокимиятга йиғилишга қақаришарди. Топшириқни бошқа ходимларга ўқитиб, у ёққа югурардик. Санада уч соат ўтирамиз...

– Катта масала кўрилса керак-да. Майлисинг чўзилганига айтман-да...

– Йўқ... Масалан, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги йиғилиш, дейлик. Бу ҳақда маънавият бўлими бошлиғи ахборот беради – бир. Кейин прокурор сўзга чиқади – икки. Охирида ҳоким гапирарди. Учовиники деярли бир хил. Сўнг шу бўйича вазифалар белгиланади. Яна бўлим бошлиғи, прокурор ва ҳоким сўзга чиқади. Тагин ўша гаплар такрорланади.

– Ҳўш, кейин-чи?

– Кейин идорага кириб, эрталабки топшириқни охирига етказмоқчи бўлам. Ўринбосару ходимлардан суриштира бошлаганимда яна ҳокимиятга қақаришарди. Вилоят ҳокими қурилишлар бўйича видеоселектор ўтказаркан, дейишарди.

– Идораларнинг қурилишга нима дахли бор?

– Барибир, дада. Қурилиш, ободонлаштириши, коммунал соҳами, маънавиятми, мактабми – барча йўналишлар бўйича йиғилишларда ҳамма қатнашиши шарт. Нақ тўрт соат куруқ иштирокчи бўлиб, вақтни кетказамиз.

– Нега тўрт соат?

– Чунки вилоят ҳокими уч соат видеоселектор ўтказарди. Кимдир ахборот беради, кимдир танбех эшитида ва ҳоказо. Охирида вазифалар белгиланади. Сўнг туман ҳокими давом эттиради.

– Нега? Вилоят ҳокимининг айтгани етмайди?

– Етмайди-да... Ахир, у ҳам нимадир дейиши керак-ку! Яна ўша гаплар такрорланиб, бир-бир ярим соат ўтади.

– Бизнинг пайтимизда «телефонограмма» деган нарса бўларди. Кунлик ёки ҳафталик топшириқ қисқа-лунда тушунтирилар ва яна шу тариха ҳисобот олинарди. Майлислар кам бўларди. Ҳар ойнинг охири ёки ҳар чоракда бажарилган ва келгуси ишлар режаси муҳокама қилинарди. Бунга, нари борса, бир-икки соат вақт кетарди.

– Йў-ей, дада, ишонмайман.

– Рост, ўғлим. Қурилишлар, турли катта тадбирлар муҳокамасини бошқармалар бошлиқлари ўз йўналиши бўйича ўтказиб қўяверарди. Қолаверса, ойлик, чорак режалар бўйича иш ташкил этиларди. Вилоят раҳбари қишлоқ ҳўжалиги бўйича йилда икки бор катта йиғилиш ўтказарди, холос. Қолган ишларни ҳар қайси ўринбосар ўз ваколати доирасида бажарарарди.

– Нима, одамлар индамай ишлашаварариди?

– Ҳа. Топшириқни олдим, албатта, бажариларди. Агар у муайян вақтни олса, орада бир-икки телефон орқали ишнинг боришидан хабардор бўлиб туриларди.

– Наҳотки?... Таажуб!

– Нега ажабланасан? Ахир, мен шундай ишладим-ку. Ҳамма ишимиз битарди. Бир гапни айтдингми, бўлди – уни бажариб, сенга ҳисобот берарди.

– Қандай қилиб? Суратлар, альбом биланми?
– Йўқ. Одий телефон орқали. Лекин илгари ҳеч ким ҳозиргидек телефонга ёпишиб олмаганди. Бир учрашиб, ваъдалашдим, ҳатто бир ойдан кейин бўлса ҳам айтилган жойга етиб келишарди. Ҳеч ким кунда кўнгирак қилиб, ваъдасини ёдига солмасди.
Худди шу пайт Ўғилнинг қўлидаги телефон қисқа гудок берди. У дарҳол келган хабарни ўқиди ва отасига деди:
– Мана, сўзимнинг исботи! Эрталаб ҳокимиятга соат олтида етиб боришим керак экан...
– Нега? Тинчликмикан?
– Соат еттида йиғилиш бошланаркан.
– Еттида бошланса, ўша пайтда борса, бўлмайди?
– Э-э, дада, айтдим-ку, бунга тушунишингиз қийин. Биздан вақтни сўрашмайди. Айтилган вақтда етиб бормасак, ҳокимнинг «қулоқлари» унга етказишарди. Кейин катта йиғилишга шу гапни олиб чиқиб, қулоқ-миямизни қақшишарди.
– Бошлиқ кун бўйи мажлис-мажлис юраверса, ўринбосару бошқа ходимлар расмга олиш билан овора бўлса, ким ишлайди ўзи, болам?
– Дада, айтдим-ку, тушунмайсиз, деб... Биз ишламаяпмиз, кун ўтказиш билан оворамиз.
– Ҳа, майли, болам. Ҳақиқатан ҳам, мен тушунолмас эканман. Бор, дамингни ол.
Ўғил Ота билан хайрлашиб, уйи томон юрди. Ота эса мингирлаб, шеър ўқий бошлади:

– Вақтингиз бўш бўлса ҳам, бўш бўлмасам, мажлис қилинг,
Кўнглингиз ҳуш бўлса ҳам, ҳуш бўлмасам, мажлис қилинг.
Овчилар, сиз отгани қўш бўлмасам, мажлис қилинг,
Аҳли бозор, сотгани гўшт бўлмасам, мажлис қилинг,
Ҳеч ҳисобмас, ҳар кун қўш бўлмасам – мажлис қилинг...

Ўғил тўхтаб қулоқ солди. Кейин ортига қайтиб, Отага деди:
– Қанақа шеър бу, дада? Мажлис қилинг, дедингизми? Мен ҳам эштай...
– Бу Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов бир пайтлар ёзган «Мажлис қилинг» деган шеър. Мана, давомини эшит:

– Сиз бирор мажлисиз ўтган кунни кун, деб айтмангиз,
Тортингу хомуза, маъруза узун, деб айтмангиз,
Ҳамма такрор этса бир гапни, нечун, деб айтмангиз,
Кўкка вояйло қилиб, гардуни дун, деб айтмангиз,
Дод дематка сизда товуш бўлмасам, мажлис қилинг...

– Во, тоза қойиллатган экан! Худди бугунги кунни кўргандек ёзибди-я...

– Ҳа, Эркин Воҳидов фақат шоир эмас, олим ва донишманд инсон эди. Бу шеър ёзилганда, шунақа мажлислар эндигина урчиб келаётган эди. Яна эшит:

– Кўрмасин деҳқон дала, созанда – соз, шоир – қалам,
Ишчи ҳам дастгоҳ ёнига қўймасин асло қадам,
Очмасин олим китобу, қилмасин тажриба ҳам,
Кимки гап билмас, билар иш – қилсин ўлгунча алам,
Иш биларни ургани мушт бўлмасам, мажлис қилинг...

– Охирги сатри роса бизбоп экан: «Иш биларни ургани мушт бўлмасам, мажлис қилинг...». Дада, шу шеърни қоғозга тушириб, менга беринг.

– Нега?

– Керак бўлиб қолади... Ҳа, айтмоқчи. Эркин Воҳидов катталарни мактаб шеър ёзмаганими?

– Йўқ, фақат элга ёқадиганини ёзган. Нега сўраяпсан?

– Бизнинг ҳокимни мактасам, машина берарди-да... Яқинда номи чиқмаган бир шоирча Тошкентдан келиб, «Пахта тергим келяпти, «Равон» мингим келяпти», деб, роса кўпиртириб мактовди, битта «Нексия-3»нинг калитини катта тантананда унинг қўлига топширди. Кимлардир орқаваротдан «Сарой шоири», «Маддоҳ», «Бу кунингдан ўлганнинг яхши» дея гўрига ғишт қалашди. Биз ҳам ҳўжақўрсинга чапак чалиб ўтирдик.

– Ҳар бир даврнинг шунақа маддоҳлари бўлади. Ё раҳбарлар орасида лаганбардорлар кимми?

– Етарли, дада, етарлидан ҳам кўп...

– Энди кириб дамингни ол, чарчагансан. Ҳали қиладиган ишларинг кўп. Ўғил хайрлашиб, уй томон юрди. Ота эса кўдаги юлдузларга тикилганча, сўзланди:

Фурсат энг олий ҳакамдур, доимо одил бўлур,
Барча бир кун ул ҳақнинг ҳукмига дохил бўлур –
Тўплангиз эс-хушни! Эс-хуш бўлмасам, мажлис қилинг...

Ўғил ўринга чўзилгани билан анчагача уйқуси келмади. Унинг қулоқлари тагида дадаси ўқиган шеърнинг сўзлари жаранларди:
– Иш биларни ургани мушт бўлмасам, мажлис қилинг...

Нажимиддин ИКРОМИЙ

СИНДОР ТОҒА, ҚАЙДАСИЗ?

ёхуд МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ

Ургутда қайнонасини ғишт билан уриб ўлдирган келин воқеасининг тафти совимасдан тўриб, яна бир мудҳиш ҳодиса юз берди. «Жарқишлоқ» МФЙ ҳудудига яшовчи 1996 йилда туғилган Қ.А. қайнонасини С.Қ. билан чиқиша олмай, аччиқ устида ўзини уч боласи билан Самарқанд туманидан оқиб ўтувчи Дарғом каналига ташлади. Оқибатда икки нафар бегуноҳ, ҳали ҳаёт нелигини англаб етмаган гўдак ҳалок бўлди.

Рости, бугунги қиз-у, жувон кечагидан анча фарқланади. Унинг кўзи очик, ёши улуг каттани, қайнонасини бир тийинга олмай диган интернетдан сабоқ олиб бўлди. Керак бўлса, онги шурида ҳали ҳам оқибатни, ҳурмат-иззатни сақлаётган, қарашлари «қотиб қолган» дея ҳисобловчи ҳар қандай катта ёшдагиларни гап билан ўтказиб қўяди.

Иштихон туманида Метан деган шаҳарча бор. Шу гўшада ҳам бир келин бор эди. Қайнона анчайин талабчанроқ чиқиб қолди. Гарчанд ҳозир оёқдан қолса-да, эрининг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, рўзгор юриштида ўта қаттиққўллик қилди. Онахон келини ҳам ўзига ўхшаган бўлишини, ёғ томса ялаб, рўзгорни попуқдек қилиб ўтиришини истарди, албатта. Аммо келиннинг тобиға олиш осон бўлмади. Икки фарзанд туғса-да, рўзгордаги укүвсизлик ўнганмади. Қайнонанинг коса қовлашлари-ю, сирли нигоҳлари қайнонанинг бағрини доғлар, келинни измига соломлаганидан ўртанарди.

Аммо келин ҳам анойи эмас экан. Рўзгорда сал гап қочса, икки боласи билан ўзини анҳорга отишини айтиб қўрқитиб келган. Бунга қарангки, куюк кулча орқасидан бўлган дашномдан сўнг келин икки боласини олиб гўйиб бўлди. Начора, қайнона келинни ахтаришга тушди. Қудаларга кўнги-роқ қилди. Йўқ, қизимиз келмади, деган

борки, тушунмовчилик бўлиб туради. Рўзгор борки, бекам култ эмас. Аммо боболаримиз, момоларимиз ана шу қийинчиликни енгиб ўта олган. Оғир паллаларда эса қишлоқнинг нурунийлари ўртага тушган.

Қишлоғимизда Синдор тоға исми зилли мўйсифид бўларди. Бугун қишлоқ тоға, деб қақирарди. Ана шу инсоннинг сўзи ҳеч қачон синдирилмаган. Асов отдек гўжин-глаган келинларни ҳам ҳалимдек мулоим тортира оладиган хислат бор эди унда. Тўғри, урмаган, сўкмаган. Ҳаётинг фалсафалари, ибратли ҳикоятлари билан руҳий таъсир ўтказарди. Қанча оилалар мўғтабар оқсоқол аралашуви билан сақлаб қолганига гувоҳимиз. Рўбарў келиб қолганда ҳатто биз болалар ҳам хушёр тортиб қолардик. Адамасам, ҳар бир қишлоқнинг Синдор тоғига ўхшаган ўз виждонлари бўларди. Гарчи уларга оқсоқолик макромини ҳеч ким бермаган, ойлик ҳам тўланмаган бўлса ҳам. Аммо виждон амри билан яшаб ўтганлари озми орамизда! Бугун эса оқсоқолга давлат томонидан рутба берилди. Ойлик ҳам, ёрдамчилар ҳам сероб. Аммо набз раислар маҳалла дардидан, хонадон ташвишларидан йироқлигича қилиб кетяпти. Ана шундай чоғларда беҳтиёр «қайдасиз, Синдор тоға» дея қақир-гинг келади.

Самарқандда бўлган мудҳиш ҳодиса юзасидан суриштирув, тергов олиб борилаётир. АФСҮС, ҳеч бир амалимиз жаннат хурларига айланган гўдакларни энди қайтара олмайди...

Огоҳ бўлайлик, азизлар, огоҳ бўлайлик! Нўрилла ШАМСИЕВ «ISHONCH»



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini taхрир қайғати:

Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир қайғати раис), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сўҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий кадрятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Андиқон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Сўхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Ғарона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: З. Рихсиев Мусаҳҳиллар: Д. Худойберганаева, Д. Рашиданова Саҳифаловчи: Ҳ. Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти – 19:20 Топширилди – 19:40

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г-1206 31168 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

Баҳоси келишилган нархда Манзилмииз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами: 2021.0000.0004.3052.7001, АТИБ «Ishonch bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130